

236 - وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: إِنْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَيَدْعُ الْعَمَلَ ، وَهُوَ يُحِبُّ أَنْ يَعْمَلَ بِهِ; حَشْيَةً أَنْ يَعْمَلَ بِهِ النَّاسُ فَيُفْرَضَ عَلَيْهِمْ». مُتَّقَ عَلَيْهِ. [خ 1128، م .[718]

236. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамлар шуни қилса, уларга фарз бўлиб қолишидан қўрққанларидан ўзлари яхши кўрган бир амални ҳам тарк этардилар.

*Муттрафақун алайҳ.*

**Шарҳ:** Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида Ислом хукмлари жорий бўлиб турагар, аммо ҳали ҳаммаси жорий бўлиб тугамаган эди.

Қолаверса, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида шариат хукмлари давомли равишда тўлдириб борилар эди. Бугун бир хукм жорий қилинса, эртага бошқаси ва ҳоказо. Хукмларнинг жорий бўлишига баъзи одамларнинг саволлари, гоҳида қилган ишлари, гоҳида яна бошқа нарсалар сабаб бўлар эди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам одамлар билан тунда жамоат бўлиб намоз ўқишини давом этираверсалар, ушбу намоз сизларга фарз бўлди, деб амри илоҳий тушиб қолишидан, кейин эса одамлар бу намозни ўқий олмай, гуноҳкор бўлишларидан қўрққанлар.



NUBUVVAT MARVARIDLARI